

БУГУНГИ КУНДА ЁШЛАРНИНГ ОНГИ ВА ҚАЛБИНИ ЭГАЛЛАШДА-ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ КИЛИНАЁТГАН МАФКУРАВИЙ ХУРУЖЛАР

Худойбергенова П.Т.

ТДСИ “Ижтимоий фанлар ва биоэтика
курси билан” кафедраси доценти

АННОТАЦИЯ

Бугунги кунда интернетдан бутун дуне фойдаланмокда. Лекин баъзи давлатлар ўз мақсадини амалга ошириши учун бошқа давлатлардаги ички зиддиятларни келтириб чикаришида, иқтисодий кризисларни келтириб чикаришида ва ёшларга «оммавий маданият» ни тарзиб килишида фойдаланмокда. Бизнинг мақсад, бу хуружлардан ёшларни ҳимоя килишидир.

Калим сўзлар: “Оммаувий маданият”, интернет, мафкура, гегемон, хуружлар, миллий онг, дунёкараш, зарар келтирувчи гоялар, глобализация, ахборот камуникациялари “индивидуализм”, “эгоизм”, “космополитизм”, “зуравонлик”, “диний мутаассиблик” гоялари.

АННОТАЦИЯ

Сегодня весь мир пользуется Интернетом. Но для достижения своих целей некоторые страны используют его для создания внутренних конфликтов в других странах, создания экономических кризисов и продвижения «массовой культуры» среди молодежи. Наша цель – защитить молодежь от этих нападений.

Ключевые слова: «Популярная культура», Интернет, идеология, гегемон, атаки, национальное сознание, мировоззрение, вредоносные идеи, глобализация, информационные коммуникации, идеи «индивидуализма», «эгоизма», «космополитизма», «насилия», «религиозного фанатизма».

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида ўз ҳалқини буюк мақсадларга етаклайдиган, унинг фаровон турмуш қуришга даъват этадиган гояларига, қарашлар концепциясига эга бўлиши табиийдир. Шунинг учун И.А.Каримов дейди: «пировард мақсадимиз бўлган озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш борасидаги интилишларимизда биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи, илмий асос - бу миллий гоя, миллий мафкурадир». Кишилар турли гояларга эргашиб кетавермайдилар. Улар аввало гояларни ўз манфаати, эътиқоди, турмуш тарзи билан таққослайдилар. Шунинг учун кишилар эътиқодига, манфаатларига, тарихий-маданий кадриятларига, аҳлоқ, одоби, менталитетига, турмуш тарзини такомиллаштириш, ҳаётини фаровонлаштириш

мақсадларига хизмат қиласынан ғояларни құллаб-куватлайдилар. Миллий истиклол гояси негизида миллат, ҳалқ манфаатлари, фаровон турмуш яратиш мақсади ётгани учун ҳам у жамият томонидан фаол мұхокама қилинмоқда, Яңи қарашлар, вазифалар ва йұналишлар билан такомиллаштирилмоқда. Бұгунги кунда ёшларнинг онги ва калбини эгаллаш интернет хуружидан ва бузгүнчи гоялардан доимо химоя килиб боришимиз шарт, чунки ёшларимизға келажагимиз.

МЕТОДЛАР

Биз XXI асрда – ахборот-коммуникация технологиялари тез суръатларда ривожланаётган, ягона ахборот макони аллақачон шаклланған ва “ахборот портлаши” тақрор-тақрор юз беріб турған, унинг босими инсонга ўта кучайған, инсон реал ва виртуал воқелик ўртасыда чегараларни тобора фарқлай олмай қолаётган шароитда яшамоқдамиз. Бинобарин, яңи концепция яратилишида замонанинг мазкур хусусиятлари ҳамда оммавий маданиятнинг, глобаллашувнинг баъзи зиддиятли тенденцияларини ҳисобга олишни тақлиф қиласы. Ёшлар онгига миллий гояни сингдиришда-адабиий, тарихий, фалсафий билимларни сингдириш методларини құллашдан иборат.

НАТИЖАЛАР

Мұхокамаларда Концепцияни янада тақомиллаштириш юзасидан юзлаб тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди. Хусусан, ўзбек тилини жамиятдаги нуфузини янада ошириш, мустаҳкам оиланы миллий ғоянинг асосий тамойиллари қаторига киритиш, миллий ғояни ҳалқчиллигини таъминлашда адабиёт ва санъатнинг таъсирчан имкониятларидан кенг фойдаланиш зарурлиги каби мухим омиллар таъкидлаб ўтилди. Ҳозирга қадар Миллий ғоя концепция лойиҳаси мұхокамасига бағищлаб ўтказилған давра сұхбатларыда жами 63 мингдан ортиқ жамоатчилик вакиллари иштирок этиб, жами 480дан ортиқ тақлифлар билдирилди. Қолаверса, ҳозирда Республика Маънавият ва маърифат маркази қошидаги эксперталар гурухи томонидан ҳалқимиз, зиёлилар, ёшлар, кенг жамоатчилик томонидан юборилған тақлифлар, ижтимоий тармоқтардаги муносабатлар ўрганилиб, таҳлил қилинмоқда. Мұхокамалар жараёни ҳали давом эттирилиб, нафақат давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, профессор-ўқытуvчилар балки, маҳаллалардан ҳар бир оиласарга қадар кириб боради. Миллий ғоя бу — ҳалқники, яъни ҳаммамизни. Шундай экан, унга бефарқ бўлмасдан, мұхокамаларда ўз фикрларимиз билан қатнашишимиз — бизнинг ушбу улуғ ишга дахлдорлигимизни билдиради.

Бугунги глобализация даврида - мафкуравий гегемонликка интилаётган кучлар ахборот технология коммуникациялар, жумладан интернет оркали мамлакатимизга мафкуравий хуружларларни амалга оширмокда. Бунга сабаб килиб куйидаги интернетдан фойдаланиш борасидаги фикрларни келтириш мумкин. Хуш, интернет нима? Интернет инглизча Internet - тур, ургимчак тури умумжахон тармоги деган сузлардан олинган булиб, узбек тилида умумжахон компьютер тармоги, яъни бутун жаҳон буйича таркалган ва телефон хамда оптик-толали линиялар, модемлар ва бошқалар билан узаро боғланган, хар кандай ахборотни узаро алмаша оладиган катта микдордаги комьютерлар мажмуи, деган маънени билдиради. Бу тармок 1972 йилда АҚШ мудофаа вазирлигининг лойихаси асосида вужудга келган булиб, у XX асрнинг буюк кашфиётларидан бири хисобланади. Умуман олганда интернет вактни ва маблагни тежашга ёрдам беришидан ташкари ахборотларни жуда тез узатиш ва кабул килиш, керакли маълумотларни тез излаб топиш, узогимизн якин килиш, онлайн сухбатлар куриш, дунё воеалари билан киска фурсатларда хабардор булиш каби куплаб имкониятларни яратиб беради. Хозирги кунда интернет тизимининг ижтиомий тармоклари хизматлари кенг оммалашиб бормокда. Ижтиомий тармокнинг максади интернетда узаро кизикишлар ёки фаолиятга эга шахслар билан мулокот куришдан иборат. Фойдаланувчиларининг сони буйича хозирда Facebook ижтиомий тармоги 500 000000 фойдаланувчиси билан етакчилик килмокда. Ундан кейинги уринларда MySpace (255000000 фойдаланувчи), Одноклассники (205000000 ортик), Twitter (200000000 фойдаланувчи), Windows Live Spaces (120 000 000 фойдаланувчи) ижтиомий тармокларни келтириш мумкин. Аммо хамма нарсанинг яхши ва ёмони булганидек, бу кулийклар билан бирга интернетдан самарали ва максадли фойдаланувчилардан ташкари ундан вактни бекорга ўтказиш, турли кўнгилоchar хамда бехаё сайтлардан фойдаланувчилар хам кўпайиб бормокда. Бунинг асосий сабаби интернетдан фойдаланувчиларнинг, айникса, ёшларнинг тизимдан мақсадли фойдаланиш куникмалари ва маданиятини тулик шаклланмаганлиги деб айтиш мумкин. Эътибор бериб, келтирилган веб сахифалар таҳдили куйидаги салбий камчиликлар: фойдаланувчиларнинг айримлари уз номлари билан руйхатдан утказмаслиги; номақбул фото суръатлар кувиши; узаро мулокатларда хурматсизлик килиши; бемаъни гаплар ёзиши, баъзан нотугри маълумотлардан фойдаланиши; сахифалар ижтиомий булишига карамасдан сиёсий мулокатлар урнатиши каби холатларнинг учраб туришини курсатмокда.

ХУЛОСА

Юкорида интернет, таъкидлаганидек, интернет - инсоният аклий салохияти эришган энг буюк қашфиётлардан бири булди. Бугунги кунга келиб дунё ахолисининг деярли 35% (2 миллиард 400 миллиондан ортик) қисми интернетга уланиш имконига эга. Мутахассислар томонидан 2020 йилга бориб бу курсаткич 50% ни ташкил этиши айтиб утилмоқда. Мутахассисларнинг тадқикотлари натижасига кура хозирда интернет тармогидаги маълумотларнинг 70-75 % и инсон учун зарар келтирувчи гоялар хисобланади.

Бугунги кунга келиб дунё ахолисининг деярли 35% (2 миллиард 400 миллиондан ортик) қисми интернетга уланиш имконига эга. Мутахассислар томонидан 2020 йилга бориб бу курсаткич 50% ни ташкил этиши айтиб утилмоқда. Мутахассисларнинг тадқикотлари натижасига кура хозирда интернет тармогидаги маълумотларнинг 70-75 % и инсон учун зарар келтирувчи гоялар хисобланади Мутахассислар утказган маҳсус тадқикотлар натижаларига кура, барча мавжуд сайтларнинг, тахминан, 12 фоизи парнографик хусусиятларга эга, 44,0% зуравонлик ва ёвузлик куринишига, 41,0% жангари, турли отишмалар ва портлашларга асосланган мавзуга багишлиланган. Шунингдек, бугунги кунда, инсонийликка бутунлай зид, ёвузликка асосланган шайтоний секталар фаолияти хам жадаллашмоқда. Шундай экан, узбек халкини танлаган йулидан чалгитиши учун интернет оркали килинаётган мафкуравий хуружларни куйидагича таснифлаш мумкин. Биринчидан, жамиятимиз аъзоларининг онги ва тафаккурига таъсир цилишга каратилган хуружлар. Маълумки, халкимизнинг асрлар давомида шаклланиб келаётган миллий онги ва дунёкарашида хамда хулк-атвор нормаларида ота-онага, ўзи яшаётган маҳалла жамоасига, катга ёшдаги кишиларга чукур хурмат билан қараш, муайян воеа ва ходисаларга босиклик, мулохаза ва андиша билан муносабатда булиш, жамоа фикрига нисбатан алохида эхтиром курсатиш каби хислатлар устуворлик килади. Колаверса, айнан мана шу кадриятлар жамиятимиз маънавиятининг тамал тошини ташкил килади. Бундай вазиятни яхши урганган ганимларимиз бизга карши маънавий хуружларни амалга оширишда халкимизнинг мана шундай улугвор кадриятларига мутлако тескари ва бегона булган, асосан, “ индивидуализм”, “эгоизм”, “космополитизм”, “зуравонлик”, “диний мутаассиблик” гояларини иложи борича чиройли никобларга ўраб, жамиятимизга олиб киришга уринмоқда. бундай мафкуравий таъсирлар салбий окибатларга олиб келмаслиги учун нима килиш керак? Бунинг йули - одамларимиз, авваламбор, ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустахкамлаш, иродасини бакувваг килиш, уларни уз мустакил фикрига эга

булган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида узлигини унутмаслик, отабоболарнинг мукаддас кадриятларини асраб-авайлаш ва хурмат килиш фазилатини карор топтириш. Уларнинг, мен узбек фарзандиман деб, гурур ва ифтихор билан яшашига эришишдир”. Бугун кучли давлатларнинг таргибот ва ташвикотлари натижасида учинчи дунё мамлакатлари узларининг юкори малакали мутахассисларидан ажралмокдалар. Интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш - мафкуравий хуружларга карши кураш омилидир. Ахборот коммуникация технологиялари оркали килинаётган мафкуравий хуружларга карши мафкуравий курашни кучайтиришда интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш ва юксалтиришни такозо этади. Замон талаби билан хамнафас булиб яшашни ургатиш асосида, уларнинг интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш учун гоявий-мафкуравий салохиятини устириш ва баркамол авлод тарбиясида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан тугри фойдаланишни ва ахборот-коммуникация ва интернет технологиялари ютукларидан окилона ва максадли фойдаланиш ургатишдан иборат. “Ҳеч кимда заррача ҳам шубха бўлмаслиги керак -мамлкетимиз суверентети ва мустақиллигига хавф туғдирадиган ички ва ташқи кучларнинг ҳар қандай харакатларига, ҳар қандай уринишларига қатъий ва муносиб зарба берилади.” Шавкат Мирзиёев.

REFERENCES

1. Mirziyoyev Sh.M. buyuk kelajagimizni mard va olujanob xalqimiz bilan birga quramiz. T.O‘zbekiston 2017
2. Mirziyoyev Sh. Qonun ustivorligi va inson manfaatlarini ta’minlash yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. T.O‘zbekiston 2017
3. Tuychiyev B. Politicheskaya kultura i demonstratsii obshchestvo. T.: NU UZ 2010
4. Ergashev I., Jakbarov M., Nazarov q Jamiyatni demokratlashtirish va milliy g‘oya T.: Akademiya 2007
5. MINISTRY OF HEALTH OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN SAMARKAND STATE MEDICAL UNIVERSITY Худайбергенова, Ф. Т. (2022). ВВЕДЕНИЕ В СОЦИАЛЬНУЮ БИОЭТИКУ И БИОМЕДИЦИНУ. TSDI & TMA Conference 2, 189-191 2022
6. Khudoibergenova PT .THE IMPORTANCE OF THE NATIONAL LANGUAGE IN THE ERA OF GLOBALIZATION. Assoc. Prof., Department of Social Sciences, TSI. Central Asian Journal of Innovations and Researc
7. www. ziyonet.uz
8. www. edu.uz